

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

“МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ” КАФЕДРАСИ

**ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ: ХАЛҚАРО ВА
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК**

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 4-курс “Халқаро-ҳуқуқий
фаолият” йўналиши талабаси Нейматов
Достон Раимович

Илмий раҳбар: “Меҳнат ва ижтимоий
таъминот ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси
Ш.А. Исмоилов

ТОШКЕНТ – 2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ....8

1.1. Аҳолини иш билан таъминлаш тушунчаси ва аҳамияти.....8

1.2. Аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари.....15

II БОБ. АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ.....23

2.1. Аҳолини иш билан таъминлашда давлатнинг роли: мақсади, функция ва вазифалари.....23

2.2. Аҳолини иш билан таъминлаш ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш кўламини кенгайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли.....33

III БОБ. АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШДА ДАВЛАТЛАРНИНГ СИЁСАТИ ВА РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....42

3.1. Аҳолини иш билан таъминлаш бўйича халқаро ҳужжатлар ва уларнинг аҳамияти42

3.2. Хорижий мамлакатлар меҳнат қонунчилигида аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатларнинг қиёсий таҳлили.....48

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.....56

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....59

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида давлат сиёсатида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу кўп жиҳатдан Ўзбекистон аҳолисининг таркибига кўра ёшлар мамлакати қаторига кириши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан уларнинг меҳнат соҳаси билан боғлиқ ҳуқуқларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Иқтисодий ва хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан барқарор ўсиши биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлган – аҳоли бандлигини таъминлаш, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шароитлар яратди”¹.

Шунга кўра, мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, фуқароларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ҳар йили юз минглаб янги иш ўринлари ташкил этилаётганлигига қарамасдан, бу борада айрим камчиликлар учрамоқда. Айниқса, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини тугаллаётган йигит-қизларни ихтисосликлари бўйича иш билан таъминлашда айрим муаммолар кўзга ташланмоқда.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда ижтимоий жиҳатдан етарли даражада ҳимоя қилинмаган аҳоли орасида ишсизлар сони салмоқли миқдорга эга ҳисобланади. Бундай ҳолат меҳнат бозорида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг янги, самарали усулларини тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

Шу боисдан мазкур битирув малакавий ишида аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ қилишга қарор қилинди. Юқорида зикр этилган муаммоларнинг мавжудлиги, шунингдек меҳнат бозорида аҳолининг иш билан бандлигини оширишда давлат сиёсати, уни тартибга солиш ва такомиллаштириш, назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилишнинг зарурлиги битирув малакавий иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат бозори, ишсизлик, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатлар ва бу борадаги бошқа муаммоларни тадқиқ этишга Ўзбекистонлик олимлардан М.А.Усманова, Д.Қ.Ахмедов², Д.Н.Рахимова, Н.Х.Рахимова, Р.А. Убайдуллаева, Ш.Р.Холмўминов ва бошқа олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

¹ Каримов И.А Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси -Т.: Ўзбекистон - 16.01. 2016 й, www.press-service.uz

² Усманова М.А. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. д-ри. ...дис. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. - 293 б.; Ахмедов Д. Бозор

Бу муаммолар тадқиқотига чет эл олимларидан Г.Александрова, Л.Ю.Бугрова, Л.Я.Гинцбург, А.Д.Зайкина, С.А.Иванова, С.П.Маврина, А.С.Пашкова, С.А. Димитрова³ ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган. Бу тадқиқотлар меҳнат муносабатлари, жумладан аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатларни ўрганиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу илмий изланишларда меҳнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, унинг шаклланиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш усуллари тўла ёритиб берилган.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солиш йўналишларини аниқлаш ва такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий ишининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- аҳолини иш билан таъминлаш тушунчаси ва аҳамиятини ёритиш;
- аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;
- аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солишни тадқиқ этиш;
- аҳолини иш билан таъминлашда давлатнинг роли: мақсади, функция ва вазифаларини ўрганиш;
- аҳолини, шу жумладан ёшларни иш билан таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини аниқлаш;
- аҳолини иш билан таъминлаш бўйича халқаро ҳужжатлар ва уларнинг аҳамиятини ўрганиш;
- хорижий мамлакатлар меҳнат қонунчилигида аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатларни қиёсий таҳлил қилиш;
- меҳнат бозорида аҳолини оқилона равишда иш билан таъминлашни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот предметини Ўзбекистон Республикасида меҳнат муносабатларига оид аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормалар ва шу соҳадаги қонунчиликка оид халқаро тажриба ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизда ҳуқуқий

муносабатлари шароитида давлат ижтимоий ҳимоя сиёсатининг ҳуқуқий жиҳатлари. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 208 б.;

³ Димитрова Светлана Аркадьевна. Правовые проблемы труда и занятости населения в Республике Казахстан : Дис. ... д-ра юрид. наук : 12.00.05 : Алматы, 1998 302 с. РГБ ОД, 71:99-12/11-4

демократик давлатнинг ташкил топиши ҳамда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги фундаментал асарлари, маърузалари, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз билан бир қаторда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари тадқиқотнинг илмий ўрганиш асосини ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг норматив негизини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, амалдаги Меҳнат ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг норматив ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган меҳнат масалаларига доир муайян ҳужжатлари ташкил этади. Тадқиқот натижалари бўйича чиқарилган хулосалар ва таклифлар амалдаги меҳнат қонунчилиги нормаларининг таҳлилига асосланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, бугунги кунда мамлакатимизда меҳнат муносабатлари, жумладан аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатларга оид қонунчиликни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ муаммоларни назарий ва амалий жиҳатдан битирув малакавий иши даражасида ўрганиш, унинг ҳуқуқий аҳамиятини ёритган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатларни янада яхшилашга ҳаракат қилиш.

Битирув малакавий иши натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унда аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан фойдаланиш мумкин бўлган хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган. Битирув малакавий ишининг назарий қоидалари ва хулосаларидан меҳнат фаолияти билан боғлиқ ўқув, услубий ва илмий адабиётларни тайёрлашда, шунингдек, ўқув жараёнида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот усуллари. Битирув малакавий иши ҳозирги кунда бўлаётган ислоҳотлар моҳиятидан келиб чиқувчи муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос ҳуқуқий ва ташкилий асосларини ўз ичига қамраб олишини эътиборга олиб, уни баён этишнинг турли усулларидан фойдаланилди. Жумладан, мазкур ишда тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, формал-юримдик, мантиқий ва изчилликка асосланган таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ: кириш, мавзунинг асосий мазмуни ва моҳиятини ифодаловчи учта боб ва уларга тегишли параграфлар, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1.1 Аҳолини иш билан таъминлаш тушунчаси ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шу жумладан уларни ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, аҳолининг ўсиши юқори суръатлар билан бораётган ва ўзига хос ёшлар таркибига эга бўлган республикамизда иш билан таъминлаш масаласи энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки кишиларнинг турмуш даражаси жамиятнинг кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва

уларнинг малакасини ошириш, ишга жойлаштириш, ишсизларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун сарф қиладиган харажатлар, аҳолини иш билан таъминланиш даражасига боғлиқдир. Иш билан бандлик инсон ижтимоий кафолатининг энг муҳим томонларидан бирини очиб берадики, бу унинг меҳнат соҳасидаги ва меҳнат билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоқадордир.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек: “Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда”⁴.

Аҳолининг иш билан бандлиги уларнинг иш жойлари қаердалигидан қатъи назар ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиши ўзаро алоқадорликда бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Иш билан бандлик муносабатлари, меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг миқдори ва қай даражада ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишини кўрсатади.

Бироқ аҳолини иш билан бандлик тоифаси фақат иқтисодий компоненти билан чекланмайди. Иш билан бандлик, аввало, ижтимоий муносабатлардир, яъни одамларнинг жамият ичидаги муносабатларидир, шу боис қандайдир азалий, бевосита юзага келган ҳодиса сифатидаги ижтимоийлик уларнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида қайд этилганидек: “Иш билан таъминлаш – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир”⁵.

Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишни бажаришга алоқаси бўлмаган фаолият билан шуғулланиш мутлақ ҳуқуқи фуқароларга тегишлидир⁶.

Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиши учун асос бўла олмайди.

Иш билан бандликни ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қуйидагича таърифлаш мумкин: иш билан бандлик фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий

⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг юллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009. 24-бет.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунига шарҳлар. - Т.: Шарқ, 2004, 19-бет.

⁶ Мамараймов К. "Қишлоқ аҳолиси иш билан бандлиги" Бозор, пул ва кредит 2009, октябр, 70-бет.

ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир⁷.

Бандлик ходимни ижтимоий меҳнат тақсимотига асосланган аниқ меҳнат кооперациясига жалб этиш бўйича ижтимоий муносабатларни ифода этади. Бандлик турли мулкчилик шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ёлланиб ишлаш билан чекланмай, айти пайтда тадбиркорликни, ўзини иш билан мустақил таъминлаш (*ўзича бандлик*)ни, шахсий томорқа хўжалигидаги ишни, уй хўжалигида банд бўлиш ва болаларни тарбиялаш билан шуғулланиш, давлат ва жамоат вазифаларини бажаришни, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида кундузги ўқишни ҳам ўз ичига олади.

Иқтисодийнинг сифат жиҳатидан олдингисидан фарқ қилувчи ҳар бир ривожланиш босқичи учун иш билан таъминланишнинг муайян модели (концепсияси) мос келади, чунки унинг асосий хусусиятлари жамият фаолиятининг муҳим жараёнларини очиқ беради.

Меҳнат кодексига кўра – ўн олти ёшдан то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли шахслар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно) ишсиз деб эътироф этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган, ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва улар томонидан иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган шахслар ишсиз деб эътироф этилади⁸.

Ишга жойлаштириш - Ўзбекистон Республикасида меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий тусдаги давлат тадбирлари тизимидир. Тизимнинг асосий вазифаси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнат бозорини шакллантиришга кўмаклашиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини иш билан таъмин этиш юзасидан қўллаб-қувватлаш, қонунга биноан ишсиз деб эътироф этилганларнинг ишга жойлашишига ёрдам беришдан иборат.

Тажриба шуни кўрсатадики, жамият муаммолари ичида инсоннинг шахсини, талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан ҳал қилишга уриниш омадсизликка маҳкум этади. Шунинг учун авваллари олимлар иш билан бандлик муаммоларини кўриб чиқаётганларида асосан, унинг иқтисодий жиҳатларига эътибор берган бўлсалар, кейинги пайтда иш билан бандликнинг ижтимоий жиҳатларига кўпроқ эътибор бермоқдалар.

⁷ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). - Т.: Меҳнат, 2009, 274-б.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: (2014 йил февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, - Т.: Адолат, 2014 й. 60-модда

Аҳолининг иш билан бандлик концепсияси – жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муайян босқичидаги иш билан таъминланишнинг хусусиятини очиб берадиган қарашлар, тасаввурлар тизимидир.

Бундай назарий тушунчалар марказига уни ривожлантиришнинг ижтимоий бозор типигаги давлат учун хос бўлган объектив жараёнларини ҳисобга олувчи иш билан таъминланишнинг шаклланиши қўйилади. Бу ўз навбатида муайян давр мобайнидаги қўйилган мақсадларга эришишнинг реал имкониятлари билан чекланмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасига мувофиқ қуйидагилар иш билан таъминланган деб ҳисобланади:

– ёлланиб ишлаётган, шу жумладан ишни ҳақ эвазига тўлиқсиз иш вақтида ёки уйда бажараётган, шунингдек ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган;

– бетоблиги, таътилда, касбга тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқаришнинг тўхтатиб қўйилганлиги муносабати билан, шунингдек вақтинча иш жойида бўлмаган ходимнинг иш жойи қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган;

– ҳақ тўланадиган лавозимга сайланган ёки тайинланган;

– ўзини иш билан мустақил таъминлаётган, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, хунурмандлар, оилавий корхоналар иштирокчилари, деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари, фермерлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқалар;

– Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати қўшинларида ва уларнинг органларида хизматни ўтаётган, шунингдек муқобил хизматни ўтаётган;

– ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларда, шу жумладан диний ташкилотларда ишлаётган фуқаролар⁹.

Ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолига барча ёлланиб ишлаётган ходимлар, ўқувчилар, харбий хизматчилар билан бир қаторда ўзини ўзи мустақил равишда иш билан таъминлайдиган фуқаролар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган фуқаролар киритилган.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрир). // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 5-сон, 124-модда; 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 225-модда; 2009 й., 52-сон, 553-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда.

Ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган фуқаролар тоифасига қуйидагилар киради:

- тадбиркорлар;
- фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этаётган оила аъзолари;
- деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;
- кооперативларнинг аъзолари;
- ёзувчилар, рассомлар ва бошқалар¹⁰.

Иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли, шу жумладан ишсизлар учун иш билан таъминлаш мақомини белгилаб олиш муҳимдир. Одатда беш мақом бор.

1. Ёлланма ходимлар – булар корхона раҳбарияти билан меҳнат фаолияти шартлари тўғрисида тузилган ёзма контракт (шартнома) ёки оғзаки битим бўйича ишлайдиган шахслар бўлиб, улар ана шу фаолият учун ёлланиш вақтида келишиб олинган иш ҳақини оладилар.

2. Якка тартиб асосида ишлайдиганлар – мустақил равишда фаолият олиб борадиган, ўзларига даромад келтираётган иш билан шуғулланадиган, фақат қисқа муддатга ёлланма ходимлардан фойдаланадиган ёки фойдаланмайдиган шахслар.

3. Иш берувчилар – ўзининг ҳиссадорлик жамиятини, хўжалик ширкатини ва ҳоказони бошқарадиган ёки бунинг учун давлат томонидан вакил қилинган шахслар. Иш беручи ўз функцияларини ёлланма бошқарувчига тўлиқ ёки қисман топшириб қўйиши, корxonанинг муваффақиятли ишлаши учун жавобгарликни ўзида олиб қолиши мумкин.

4. Оилавий корхоналарнинг ҳақ тўланмайдиган ходимлари – қариндошга тегишли бўлган оилавий корхонада ҳақ олмасдан ишлайдиган ходимлардир.

5. Иш билан таъминлаш мақоми бўйича таснифлашга тўғри келмайдиган шахслар – илгари ўзларига даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан таъминланишнинг бирор-бир мақомига мос келмайдиган шахслар ҳам киритилади¹¹.

Аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламини иш билан таъминлаш давлат томонидан кафолатланади. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасига асосан аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги принципларга асосланади:

– меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкый аҳволи ва мансаб мавқеидан, динга муносабати, эътиқодидан, жамоат бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик жиҳатларига ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъи назар, тенг имкониятларни таъминлаш;

¹⁰ Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Т.: Ўқитувчи, 2004. 82-б.

¹¹ Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Т.: Ўқитувчи, 2004. 87-б.

– кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

– меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги;

– иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш;

– ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ва янги иш жойларини яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш;

– иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш;

– аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда давлат органлари, касаба уюшмалари, ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги;

– аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда давлатлараро ҳамкорлик.

Шундай қилиб, республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида умуминсоний кадриятларни мустаҳкамлаш учун муайян кадам қўйилган бўлиб, бу кадриятлар орасида энг муҳими меҳнатнинг ихтиёрийлигидир.

Меҳнат кодексининг 57-моддасига кўра – ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир шахс ўз меҳнат қилиш ҳуқуқи ва иш жойи, касб турини эркин танлаши имкониятидан иш берувчига иш сўраб мурожаат қилиш йўли билан ёки ишга жойлаштиришга кўмаклашувчи давлат органларининг бепул воситачилиги ҳамда маслаҳатидан фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мумкин. Фуқаро иш сўраб корхона ва ташкилот иш берувчисига мурожаат қилганида уни ишга қабул қилишдан асоссиз бош тортиш мумкин эмас ва фуқаронинг талаби билан ишга қабул қила олмаслик сабаби кўрсатилган асосли ёзма жавоб бериши шарт. Ҳомиладор ёки уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда эса аёл талаб қилмаса ҳам ана шундай ёзма жавобни бериши лозим. Бундай ёзма жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланиши керак¹².

Иш билан бандлик масалаларини кўриб чиқаётганда меҳнат ва иш билан бандлик ўртасидаги аниқ фарқни ажрата билиш керак. Меҳнат – инсоннинг ўзига хос хусусиятларга

¹² Муаллифлар жамоаси: “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар”, –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 169-170-бетлар.

эга бўлган фаолияти бўлиб, ҳаракатларни англалганлиги, куч-қувват сарфланиши, натижадорлик, ижтимоий фойдалилик ва хоказолар шулар жумласига киради. Меҳнат вақт хусусиятига эга, у бўлинади ва дам олиш билан алмашилиб туради. Меҳнат – ишчи кучини ишлаб чиқишда ишлатиш жарёнидир. Иш билан бандлик инсоннинг меҳнат қилиш муносабати билан ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ҳолда кечадиган ижтимоий ривожланишнинг муҳим томонларидан биридир. Меҳнатдан фарқли уларок, иш билан бандликни фуқаролар, аниқ иш жойидаги амалий фаолиятга тенглаштириб бўлмайди деб таъкидлайдилар. Иш билан бандлик меҳнатга лаёқатли одамларнинг иш билан қандай таъминланганлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, шахсни иш билан банд ҳисоблаш учун у бирон-бир жамоанинг аъзоси бўлиши ёки ўз ишини яратиши керак.

1.2 Аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари

Меҳнат ҳар қандай шароитда ҳам даромадлар манбаидир. Аксарият кишилар ўз турмушини меҳнат орқали вужудга келадиган даромадлар ҳисобига қуради. Шунинг учун меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқнинг Конституцияда белгиланиши ва бошқа қонунлар асосида уни таъминланиши фуқаролар ва жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир меҳнатга лаёқатли шахсни бу ҳуқуқ билан таъминлаш ва ишсизликдан ҳимоялаш давлатнинг асосий вазифаларидан биридир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу–умидларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш – бош вазифамиз бўлмоғи лозим”¹³. Шу муносабат билан юртбошимиз ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилишини, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ҳуқуқий билимдонликнинг аҳамиятини қайта-қайта таъкидлаб келмоқда.

Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг бандлиги даражаси давлат сиёсати даражасига кўтарилган ва ушбу муносабатларни таърибга солиш бўйиша кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Бу ҳужжатлар ичида Конституция алоҳида ўринга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади”¹⁴.

¹³ Каримов И.А. Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. Т, 1998. 51-б.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014 йил, 37-модда.

Ушбу ҳуқуқ “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг 23-моддасига тўла мос келади. Миллий қонунчилик тизимида мазкур норма бир қатор қонун ҳужжатлари – Меҳнат кодекси, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган.

Жорий қонунчиликка кўра, барча фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадирлар. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимоясига муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга этмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди.

Меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Айни вақтда ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади. Ҳар бир ходим:

- ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш;
- муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек, ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар бериш орқали таъминланадиган дам олиш;
- хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш;
- касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- иш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;
- касаба уюшмаларига ҳамда ходимлар ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш;
- қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш;
- ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, суд орқали ҳимояланиш ва малакали юридик ёрдам олиш;

– жамоаларга доир меҳнат низоларида ўз манфаатларини қувватлаш ҳуқуқига эгадир.

Шуни таъкидлаш лозимки, унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳар кимнинг мутлақ ҳуқуқидир. Ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди. Ҳар ким иш берувчига бевосита муурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, корхоналардаги, ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Маъмурият корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаши, ишлаб чиқаришнинг хавfli ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатиши ва бу ҳақида ўз вақтида ходимларни хабардор қилиб туриши шарт. Меҳнат шароити зарарли ва хавfli ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пояфзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади. Шуниси ҳам эътиборлики, корхоналарнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартлар билан бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий суғурта қилинишлари шарт қилиб белгиланган. Қонун ҳужжатларда ходимларнинг айрим тоифаларига (чунончи, хотин-қизлар, ёшлар, меҳнат қобилияти чекланганлар) янада қулайроқ меҳнат шароитларини яратилган. Масалан, меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида аёллар меҳнати тақиқланади (айрим санитария ёки маиший хизмат кўрсатиш ишларидан ташқари), аёлларнинг улар учун мумкин бўлмаган нормадаги юк кўтаришлари ва ташишлари ман этилади. Шунингдек, бундай талаблар ходимлар ўн саккиз ёшга етмаган бўлса ҳам қўлланилади.

Бошқарув органининг айби билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорда корхона бир марта бериладиган нафақа тўлайди ҳамда соғлиққа етказилган шикаст учун товон тўлайди. Бир марта бериладиган нафақа миқдори жамоа шартномасида белгиланади ва у жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги керак. Шунингдек, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда корхона тегишли ҳуқуққа эга бўлган шахсларга моддий зарарни қонунларда белгиланган тартиб ва миқдорларда қоплайди.

Меҳнат кодексининг 9-моддаси меҳнат соҳасидаги давлат бошқаруви, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишга

бағишланган бўлиб, унга асосан, меҳнат соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари амалга оширади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишни қўйидагилар амалга оширади:

- 1) шунга махсус вакил қилинган давлат органлари ва уларнинг инспекциялари;
- 2) касаба уюшмалари.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текширишни қонунда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Давлат иш билан таъминлаш турини, шу жумладан, турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини, ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни, мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни, ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни, янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни, бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги қонуннинг 7-моддасига кўра давлат:

– ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга, шу жумладан ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга ҳамда кўп болали ота-оналарга;

– ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшларга, шунингдек олий ўқув юртларининг давлат грантлари асосида таълим олган битирувчиларига;

– Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатирилганларга;

– ногиронларга ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахсларга;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарори билан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахсларга;

– одам савдосидан жабрланганларга қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Қўшимча кафолатлар қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, иш ўргатишнинг махсус дастурларини ташкил этиш, корхона, муассаса ва ташкилотларга ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар билан таъминланади.

Аҳолини ишсизликдан ҳимоялаш мақсадида давлатимиз қатор ислоҳотларни амалга оширмакда. Масалан, қишлоқ жойлардаги иш билан банд бўлмаган аҳолини уйда маҳсулотлар ишлаб чиқириш, хизматлар кўрсатиш ишларини бажаришга жалб этиш учун иш берувчиларга реал рағбатлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 5-январдаги ПФ-3706 сон Фармони ва уни амалга ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Касаначилик тўғрисида"ги Низом қабул қилинди.

Мажбурий меҳнат ёки шахснинг эрки-хоҳишига хилоф равишда уни муайян меҳнат вазифаларини бажаришга иқтисодий, ҳуқуқий ёки бошқа воситалардан ноқонуний фойдаланган ҳолда, муайян жазо қўллаш, ходим учун ноқулай оқибатларни келтириб чиқарадиган қарорлар қабул қилиш таҳдиди билан мажбурлаш тақиқланади. Чунки мажбурий меҳнат инсон эркини чеклайдиган, ҳуқуқларини камситадиган энг қўпол ҳаракат бўлиб, уни кулликка солишга қаратилгандир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва улар кафолатига оид универсал ҳуқуқий ҳужжатларида мажбурий тежаш инсон шаъни ва кадр-қимматини поймол этувчи ҳаракат сифатида баҳоланган. Жумладан, БМТнинг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси томонидан 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"нинг 4-моддасида: Ҳеч ким кулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас" деб белгиланган¹⁵.

БМТнинг 1966 йил 19 декабрдаги "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг (Ўзбекистон Республикаси томонидан 1995 йил 30 августда ратификация қилинган) 8-моддасига кўра: "Ҳеч ким мажбурий ёки шарт бўлмаган меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозим".

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир: Хусанов Азад Тиллабоевич, юридик фанлари доктори, профессор -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2012. 210-бет.

Меҳнат кодексининг 7-моддасига кўра қуйидагилар мажбурий ёки шарт бўлмаган меҳнат жумласига кирмайди ва бундай ҳолларда ишга мажбуран жалб этиш мажбурий меҳнат бўлиб саналмайди:

а) суднинг қонуний ҳукми ёки қарорига асосан ҳибсда бўлган ёки бундай ҳибсдан шартли озод қилинган шахснинг муайян ишларни бажаришга мажбур қилиниши;

б) аҳоли ҳаётига ёки осойишталигига хавф солувчи фалокат ёки фавқулодда ҳолат рўй берганида мажбурий бўлган бирор бир хизмат;

в) одатдаги фуқаролик бурчига кирувчи бирор бир иш ё хизмат;

г) ҳарбий ёки муқобил хизмат.

Мажбурий меҳнатга жалб этишлик Ўзбекистон қонунчилиги билан тақиқланган бўлиб, бундай хатти-ҳаракатларга йўл қўйган мансабдор ва бошқа шахслар қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 51-моддасига кўра: “Қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, меҳнатга бирон бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлов, энг кам иш ҳақининг бир баробаридан уч баробаригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади”.

Мажбурий меҳнатга жалб этиш оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолларда айбдор шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 148-моддаси биринчи қисми ҳамда бошқа тегишли моддалари билан жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин.

II БОБ. АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

2.1 Аҳолини иш билан таъминлашда давлатнинг роли: мақсади, функция ва вазифалари

Инсон онгли мавжудот экан, яшаш учун маълум соҳада меҳнат қилади, фаолият кўрсатади. Бу унинг табиатига хос бўлган хусусиятдир. Шунинг учун ҳам меҳнат қилиш инсоннинг ажралмас табиий ҳуқуқларидан бири бўлиб, уни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш

ҳамда кафолатлаш ҳар бир жамиятнинг асосий вазифасидир. Айниқса бугунги бозор иқтисодиёти ҳамда эркин рақобат шароитида бу жуда муҳимдир. Президентимиз И.А.Каримов ўз асарларида “Бизнинг ҳамма ишларимизда – бу иқтисодий сиёсатимизни шакллантириш масаласи ёки иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўладими, ижтимоий соҳа, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида эртанги ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларни белгилаб олиш бўладими – буларнинг барчасида биз учун фақат битта масала энг устун ва ҳал қилувчи ўринда туради. У ҳам бўлса, инсон манфаатларининг устуворлигидир¹⁶”, деб бежиз таъкидламаганлар. Чунки демократик давлат ва фуқаролик жамиятида шахс, инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари биринчи ўринда туради.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи натижасида ҳар бир шахс мамлакат қонунлари билан тақиқланмаган ҳар қандай ишни қилиши, ўзига маъқул фаолият билан шуғулланиши мумкин. Меҳнат қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги шундай имкониятни вужудга келтиради. Меҳнат қилиш ҳуқуқи орқали шахслар давлат органлари, ташкилот, корхона, муассасаларда, жамоат бирлашмаларида, нодавлат нотижорат ташкилотларида, тижорат ташкилотларида, шахсий хўжалигида меҳнат қилиш мумкин. Бозор муносабатларига хос хусусиятлардан бири ишсизликдир. Бирор бир давлат бу муаммодан ҳоли эмас, ишсизлик барча давлатларда учрайди. Ҳеч қандай давлат аҳолисининг барча қисмини иш билан таъминлай олмайди. Лекин ишсизликдан ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўриш давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Меҳнат қиламан деганларни иш билан таъминлаш, бунинг учун иш ўринларини яратиш, тадбиркорлик фаолиятига ёрдам бериш давлат зиммасида бўлиб қолаверади. Эркин касб танлаш ҳуқуқини амалга ошириш учун ҳам давлат кўплаб ишларни амалга оширади. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимида касб-ҳунар коллежи орқали мутахассислар тайёрлаш ва ҳар бир коллежда бир йўла бир неча касбга эга бўлиш имкониятининг мавжудлиги, Конституцияда кўрсатилган эркин касб танлаш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради. Аҳолини ишга жойлаштириш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланиб, давлат бу муносабатларни тартибга солишда бир қатор чора-тадбирларни амалга оширади. Жумладан, юртбошимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ижтимоий-иқтисодий соҳадаги энг муҳим вазифалар ҳақида сўз юритиб, қуйидагиларни таъкидлади: “...шулар қаторида соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб қувватлаш ва шу каби катта социал

¹⁶ И.А.Каримов: “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида.”, Асарлар тўплами, 16-жилд, Т., 2008., 235- б.

аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга ошироғимиз лозим”¹⁷.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосий мақсади – меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга, бу соҳада амал қила бошлаган рақобат шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этилишини таъминлашдан иборат. Бу борада республикамизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Зеро Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи ҳам энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади. 2016 йилда 990 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантириш ҳисобидан 660 мингдан зиёд иш ўрни яратилади. 2016 йилда олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларнинг 510 мингдан ортиқ битирувчиларини иш билан таъминлашимиз даркор”¹⁸.

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш бандлик хизмати органлари ва иш берувчилар фаолиятидан ташқари умуман ушбу масалаларда юритилаётган давлат сиёсати билан ҳам қўллаб-қувватланади ва бу сиёсатнинг мақсади – фуқароларга уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга оширилишида ёрдам бериши, ихтиёрий, самарали ва эркин иш билан бандликни таъминлашга қаратилгандир. Аҳоли бандлиги юзасидан юритилаётган давлат сиёсати меҳнат ресурсларини ривожлантириш, барча фуқароларга тенг меҳнат қилиш имкониятини яратиш, ижодий, унумли меҳнат қилишларига кўмаклашишдан иборат.

Аҳоли меҳнат бозори фаол сиёсат олиб боришнинг энг самарали йўналишларидан бири меҳнат бозорининг энг муҳим институти бўлган иш билан бандликнинг ихтисослашган умуммиллий хизматидир. Унинг асосий вазифаси меҳнат бозори ҳақидаги ахборотнинг тарқалиши ҳисобига унинг самарадорлигини оширишдан иборатдир. У, биринчидан, ишсизларнинг бўш иш ўринлари қидиришларига, тадбиркорларнинг ходимлар қидиришларига сарф этиладиган вақтни қисқартиришни таъминлайди, иккинчидан, иш берувчиларнинг ўз талабларига энг кўп даражада мос келадиган ходимлар ёллашига ёрдам беради, ходимларга эса меҳнат шароитлари ва иш ҳақи даражаси мувофиқ келадиган иш жойини топишларига имкон беради.

Меҳнат кодексининг 58-моддасига кўра давлат:

¹⁷ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – 47 б.

¹⁸ Каримов И.А Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси -Т.: Ўзбекистон - 16.01. 2016 й, www.press-service.uz

– иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;

– ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни;

– мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;

– ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ олишда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;

– янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни;

– бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;

– ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.

Иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шартлари ҳамда меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг кафолатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилади.

Шахс ишга ёлланиш орқали ўз меҳнат қилиш ҳуқуқларини рўёбга чиқармоқчи бўлса, у иш сўраб ўзи хоҳлаган корхона ёки ташкилотга мурожаат қилиши мумкин ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот иш берувчилари унинг аризасини кўриб чиқиши шарт бўлиб, асоссиз равишда ишга қабул қилишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар.

Ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад қилинган деб ҳисоблаган фуқаро иш берувчининг бундай қарори устидан белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасидаги демографик вазият, аҳоли кўпчилигини ёшлар ташкил этиши, аҳоли сонининг нисбатан тез кўпайиб бораётганлиги каби омиллар туфайли аҳолининг иш билан бандлиги соҳасида кучли ва изчил сиёсат юритилишини тақозо қилади. Зотан, Президентимиз И.А.Каримов ўринли равишда таъкидлаб ўтганларидек, “Бозор механизмларини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи лозим. Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина, инсонпарвар ҳисобланади”¹⁹.

Ўзбекистонда меҳнат муносабатлари, жумладан аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатларни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-

¹⁹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т-1. Т.: Ўзбекистон, 1996. - 65-б.

қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4782-сон Фармони ҳамда “Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори²⁰ қабул қилинди. Фармонга кўра – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги этиб қайта ташкил этилди. Фармонда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

– аҳолининг жинс ва ёш гуруҳлари бўйича минтақалар доирасида аҳоли бандлиги даражасини тизимли асосда чуқур таҳлил қилиш, ҳар йили янги иш жойлари ташкил қилиш дастурлари ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш, аҳоли бандлигини ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, мазкур ишларнинг бориши устидан доимий мониторингни амалга ошириш;

– банд бўлмаган аҳоли, биринчи навбатда ёшлар, аёллар ва ногиронлар учун, уларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда касб-ҳунарга ўқитиш ва қайта тайёрлаш самарали тизимини ташкил этиш, иш билан таъминлашга кўмаклашишнинг самарали тизимини ташкил этиш;

– меҳнатни муҳофаза қилиш ва бандлик соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш, шунингдек, меҳнат муносабатлари, меҳнатни моддий рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш²¹.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бандлик сиёсати қуйидаги йўналишларда рўёбга чиқарилмоқда:

а) кичик ва хусусий бизнесни рағбатлантириш йўли орқали ўзини-ўзи иш билан таъминлаши, қўшимча иш ўринлари яратиш;

б) корхоналарда иш ўринлари кўпайтирилиши ва янги иш ўринлари очилишини кўллаб-қувватлаш;

в) касаначиликни ривожлантириш орқали аҳолининг муҳтож табақаларини иш билан таъминлаш;

г) аҳолига маиший ва бошқа хизматлар кўрсатилишини кенгайтириш;

д) ёшларнинг янги касбларни эгаллашларига кўмак бериш.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 9 (717)-сон, 2016 йил

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий кўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, ПФ–4782-сон. 22.02. 2016 йил.

Шунинг учун дунёдаги барча мамлакатларда ишсизлар ва ишсиз қолиш хавфи остида турган ходимларнинг касб тайёргарлиги ва уларни қайта тайёрлашдан иборат турли-туман дастурларни ишлаб чиқиш тажриба қилиб кўрилади. Бунда мазкур дастурлар биринчи навбатда олдинги касб малакаси иқтисодий таркибий ўзгаришларга, ишчи ўринларининг янги касбий тузилишига жавоб бермайдиган кишиларга, шунингдек, аҳолининг заиф ҳимояланган қисмига (ҳозирча зарур касбий тайёргарликка эга бўлмаган ёшларга, меҳнат бозорига қайтишга қарор қилган аёлларга; касбга йўналтиришга эҳтиёж сезадиган ногиронлар ва бошқаларга) қаратилган. Кўпинча таълим олиш учун номзодларни давлат иш билан бандлик хизмати аниқлайди.

Касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлов дастурлари давлат, тадбиркорлар ва касба уюшмаларининг иштирокида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бу дастурларнинг бевосита ташкилотчиси кўпинча давлат иш билан бандлик хизмати ҳисобланади, у марказлар ва ўқув курсларининг махсус ташкил этилган шаҳобчаларда, шунингдек, ўқув юртлари ёки корхоналар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этилади, таълим олувчиларга стипендиялар тўланади.

Иш билан бандлик хизмати давлат манфаатларини кўзлаб иш олиб боради, ишсизларнинг таълим олиши ва қайта ўқишини уларга маблағлар ажратиш шаклида нафақалар тўлаш орқали рағбатлантиради.

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ишсиз фуқаролар ҳам иш билан бандлик хизмати йўлланмаси билан бепул касб танлаш, касб тайёргарлиги, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ҳуқуқига эгадирлар, деб таъкидланган.

Меҳнат бозоридаги ана шу йўналишини амалга оширишдаги асосий мураккаблик иқтисодийнинг бўлажак касб-малака тузилиши тўғрисида, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда касб соҳасидаги меҳнатга бўлган эҳтиёж қандай бўлиши ҳақидаги ахборотнинг етишмаслигидадир. Яна бир муаммо ишдан маҳрум бўлган шахсларнинг касбий жиҳатдан қайта тайёрланишга кам талаб билдиришидир, чунки улар олдинги касблари бўйича ишга жойлашишга умид қиладилар. Меҳнат бозоридаги фаол сиёсатнинг мазкур йўналишини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омил иш билан бандлик хизмати фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг чекланганлиги ҳамдир.

Ҳозирги вақтда меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги фаолият доирасида мустақил иш билан бандликни ривожлантириш, тадбиркорлик малакаларини ўргатиш ва кичик бизнесни ташкил этишга кўмаклашиш дастурлари муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат бозоридаги сиёсатнинг бу йўналиши энг муҳим ижтимоий вазифани – янгича меҳнат дунёқарашини шакллантиришдир.

Ишсизлар агар ўзларининг мустақил ишларини ташкил этишни хоҳласалар, иш билан бандлик хизматига зарур асослаш билан (бизнес-режа билан) лойиҳалар танловида иштирок этиш ҳақида ариза берадилар, бу ерда унинг режасини мутахассислар кўриб чиқиб, ўз

хулосаларини берадилар. Агар илтимос қондириладиган бўлса, у ҳолда янги тадбиркор учун бошланғич капитал сифатида унга муайян муддатга бериладиган ишсизлик нафақасининг бутун суммаси хизмат қилади ва бир йўла тўланади.

Ишсизликни камайтиришнинг чора-тадбирлари сифатида қуйидагиларни қайд этиб ўтиш мумкин:

- корхонада янги ишчи ўринлари ташкил этиш йўли билан аҳолини ишга жалб қилиш;
- жамоат хизматини ташкил этиш;
- хусусий тадбиркорликни ҳамда аҳолининг ўз-ўзини иш билан таъминлашни рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш;
- камёб мутахассисликлар ва касблар бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш;
- иш билан бандликнинг турли шакллари қўллаш;
- аҳолини иш билан таъминлаш имкониятлари хусусида кенг миқёсда хабардор этиб туриш.

Ҳозирги вақтда мустақил шуғулланиш ва тадбиркорлик ташаббуси асосида кичик ишлаб чиқариш корхоналарининг шаклланиши кенг истиқболга эгадир. Ҳозир иш билан бандларнинг қарийб 15% и мулкчиликнинг барча шаклларидаги кичик корхоналарда меҳнат қилмоқда. Шундай ҳодисалар, чунончи, хусусийлаштириш, рақобатнинг кучайиши муносабати билан корхоналар ҳажмининг қисқариши, оммавий ишлаб чиқаришдан мослашувчан ихтисослашувга ўтилиши, шунингдек, таркибий қайта куриш жараёни, мутахассисларнинг фикрича, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган бошқа мамлакатлардаги каби йирик фирмалардаги янги иш ўринлари кичик корхоналарга нисбатан камроқ бўлади.

Ишчи кучларидан фойдаланиш ва аҳоли бандлиги бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари вақтинча молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган корхоналарга, турли мулкчилик кўринишдаги янги корхоналарни яратишга кредитлар бериш йўли билан сарфланади.

Бундай маблағлар тўлов, таъминланганлик ва қайтариб бериш шарти билан қисқа муддатга (узоғи билан 1 йилгача) ва устав жамғармаси бадали сифатида тақдим қилинади.

Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасидан бериладиган кредитларнинг ҳисоб ставкаси (просенти, фоизи) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Вазирлиги томонидан пул-кредит муносабатларини тартибга солувчи қонуний ҳужжатлар асосида белгиланади.

Қўшимча иш жойлари яратиш учун аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасидан маблағлар ажратиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тасдиқлаган “Бандлик” дастурларига кўра амалга оширилади²².

Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасидан қуйидаги тадбирларни амалга оширишда фойдаланилади:

– аҳолининг рақобатга чидамсиз қатламлари (умумтаълим мактабларини битирувчилар, кўп болали ва ёлғиз аёллар, пенсия арафасидагилар, ҳарбий хизматдан қайтганлар) ва ишсизлар учун, шу тоифадаги шахслар 50%дан кўпни ташкил қиладиган жойларда иш жойлари бунёд қилиш мақсадида молиявий маблағларни ажратиш;

– ҳокимиятларнинг махсус комиссиялари ҳулосасига кўра корхоналарга ходимларнинг ёппасига ишдан бўшатилишининг олидини олиш мақсадида ва мавжуд иш жойларини сақлаб қолиш учун молиявий ёрдам бериш;

– камида 80% гача қурилиш ишлари бажарилган, лекин тугалланмаган ва шу даражага келганда қурилиш тўхтатилган объектларда, шунингдек фойдаланилмаётган ва бўшатишга ишлаб чиқариш майдонларида иш жойларини бунёд этишда қатнашиш;

– корхоналар, жамоа ва давлат хўжаликлари билан биргаликда қишлоқ маҳсулотларини ва ҳалқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш бўйича янги иш жойларини яратиш.

Истисно ҳолларда, алоҳида тоғли, дашт ва саноати ривожланмаган ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлаш учун бандликка кўмаклашувчи марказлар қошида ишга тушириш муддати 6 ойдан ошмаган кичик корхоналар очиш мумкин.

Мазкур дастурлар ишсизларга махсус касб тайёргарлигисиз ҳамма учун қулай фаолият турларини тақдим этади. Бу дастурларни амалга ошириш тажрибасини умумлаштириш шуни кўрсатадики, улар қуйидаги иш турларини бажаришга қаратилган: йўл қурилиши ва уни таъмирлаш, кўприклар барпо этиш ва таъмирлаш (АҚШ ва Японияда): ерларни ўзлаштириш – дарахтлар ўтқазиш, ирригация, каналлар, портлар, аэродромлар қурилиши ва уларга хизмат кўрсатиш; экологик тадбирлар (Австралия тажрибаси). Муниципал маъмурлар ҳақ тўланадиган ижтимоий жамоатлар ишлари – булар қарияларга, ногиронларга қараш хизматлари ва ҳоказолар (Канада, Австралия ва бошқа мамлакатларнинг тажрибаси) ҳам мавжуддир.

Кўпинча жамоат ишлари тўлиқ бўлмаган иш куни мобайнида давом қилади, бундан мақсад вақтнинг бир қисмини касб тайёргарлигига ёки доимий иш қидиришга бағишлашдир. Мазкур дастурларнинг қатнашчилари одатда энг кам иш ҳақи оладилар.

Вақтинча ишларнинг ташкил этилиши бир қатор принципларга асосланган. Вақтинча ишлар бандлик хизмати томонидан бевосита ёки бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш орқали амалга оширилади:

²² Абдурахмонов Қ.Х., Мамарасулов Ф.У. Аҳоли иш билан бандлиги инфраструктураси. Т.: 2000. 66-67 б.

1. Бу ишлар айнан вақтинча бўлиши ва улар одатдаги иш ўринлари билан рақобатга киришмаслиги керак. Бунинг маъноси шуки, бундай ишлар жамоат ишларининг махсус дастурларисиз амалга оширилмаслиги лозим;

2. Бундай ишларнинг қатнашчилари фақат чекланган вақт мобайнида шуғулланишлари мумкин, масалан, 1 йилгача, кейин нормал ишга жойлашиш имконияти пайдо бўлиши билан дарҳол бу дастурларни янгилашлари мумкин.

Вақтинча ёки жамоат ишлари дастурларининг самарадорлиги, биринчидан, қўшимча иш ўринлари яратишда намоён бўлади (мутахассисларнинг берган баҳосига қараганда, жамоат ишлари соҳасида ҳар 100та иш ўрни бошқа секторларда 40 та доимий иш ўринлари пайдо бўлишига олиб келади). Иккинчидан, ишсизларни руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлашда намоён бўлади (ҳаммага маълумки, иш билан бандларнинг руҳий ҳолати ишсизларнинг ҳолатидан анча яхшироқдир).

Бугунги кунда Ўзбекистонда ишчи кучини сотишга тўғаноқ бўладиган маъмурий, ҳуқуқий ва иқтисодий чекловлар олиб ташланган. Яъни прописка тизими бекор қилинган, давлат мулки монополияси йўқ, аҳолини иш билан таъминлашнинг давлат механизми тараққий этмоқда.

Умуман олганда, аҳолини иш билан тўла таъмин қилиш ягона ва асосий вазифа бўлиб қолмаслиги керак. Масаланинг моҳияти шундан иборатки, аҳолини иш билан таъминлаш ва иш билан банд бўлмаган аҳолининг ижтимоий муҳофазасини ошириш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифати ошишига, инсоннинг тўлақонли ҳаёт кечиришига хизмат қилмоғи лозим.

2.2. Аҳолини иш билан таъминлаш ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш кўламини кенгайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли

Ўзбекистонда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида иш билан бандликнинг ноанъанавий шакллари – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва бу соҳаларни ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари муҳим ўрин тутуди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш

билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг “Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида “аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда”²³, деб таъкидлайди.

Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “...2015 йилда мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинган бўлса, шунинг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда яратилди. Коллежларнинг 480 мингдан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди. Тижорат банклари томонидан уларга ўз бизнесини ташкил қилиш учун 280 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди ва бу 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпдир”²⁴.

Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил етганлиги сабабли уларни ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, республикада касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шарт-шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш энг муҳим устувор йўналишлардан бири қилиб белгиланган. Бунинг натижасида биргина 2014 йилда касб-хунар коллежларининг 495 минг нафарга яқин битирувчисининг бандлиги таъминланди. Уларнинг 423,1 минг нафари ишга жойлашди, 56 минг нафари тадбиркорлик фаолияти билан банд, 14,3 минг нафари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган касб-хунар коллежлари битирувчиларига тижорат банклари томонидан 200,0 млрд сўмдан ортиқ имтиёзли кредит берилди²⁵.

²³ Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009. 24-бет.

²⁴ Каримов И.А Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси -Т.: Ўзбекистон - 16.01.2016 й, www.press-service.uz

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 10 (666)-сон. 10.03.2015.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи рол ўйнаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилган бўлса, 2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.

“Кичик бизнесни ривожлантириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш бўйича тегишли чораларнинг амалга оширилиши доирасида 2013 йилнинг январь — сентябрь ойларида тадбиркорлик субъектларига ер майдонлари ажратиш, уларни электр тармоқларига улаш механизмларини такомиллаштиришга, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва бошқа шу каби масалаларга йўналтирилган қатор қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Натижада саноат соҳасидаги кичик корхоналарда (асосан тикув ва пойабзал маҳсулотлари, тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашда) 57,8 мингта иш ўрни, қурилишда (шу жумладан уй-жойларни қуриш ва таъмирлаш ишларида) — 57,3 мингта иш ўрни ташкил этилди”²⁶. Амалга оширилаётган бу тадбирлар натижасида янги иш ўринлари ташкил қилинди ва аҳолининг маълум бир қисми иш билан таъминланди.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

Бу борада 2011 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига жами 4 трлн. 41 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 150,2 фоизга кўп) миқдорида кредит, шу

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш” Дастури. СҚ-401–II. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 й., 12-сон, 369-модда.

жумладан 752 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 155 фоизга кўп) микрокредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291126 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ҳамда республика қишлоқларида микромолиявий хизматларни кенгайтириш мақсадлари учун 159,7 млрд. сўм миқдордаги микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, 104500 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада янги замонавий банк хизматлари кўрсатиш такомиллаштирилиб борилиши талаб этилади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони²⁷ қабул қилинди. Фармонга кўра – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш ва содалаштириш, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларга ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технологик янгиласга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини кўпайтириш ва бошқа вазифалар белгиланди.

Шу муносабат билан 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси пасайтирилди. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, натижада ушбу субъектлар томонидан банк кредитларидан фойдаланиш орқали ўз бизнесларини ривожлантиришга янада кўпроқ имкониятлар яратди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (KfW), Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар томонидан катта миқдорда кредитлар ажратилмоқда.

Бугунги кунда республикамиздаги устувор йўналишлардан бири - аҳоли бандлигини ошириш, ишчи кучидан мақсадли фойдаланиш, фойдали меҳнатга лаёқатли аҳолининг илмий салоҳиятини оширишга қаратилмоқда.

Статистик маълумотлар кўрсатишича, бугунги кунда республикамизда жами банд бўлганларнинг 20 фоизи давлат, 80 фоизи нодавлат, шунингдек, 74 фоизи хусусий соҳада

²⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 34-35 (482-483)-сон 2011 йил.

меҳнат қилмоқда. Ушбу статистик рақамлар таҳлили давлат корхоналарида ишловчиларни сони қисқариб, хусусий соҳада бандликни ортиши юз бераётганлигини кўрсатади. Бу эса республикамиз ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши, шунинг асносида аҳолининг бандлигини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида мамлакат аҳолисининг иш билан бандлиги даражасини ошириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасидаги қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

- иқтисодий ривожлантириш негизида янги иш ўринлари яратилмоқда;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар очилиб, бу фаолият қизгин қўллаб қувватланмоқда;
- аҳолининг меҳнат фаоллигини, оилавий ижара, деҳқон ва фермер хўжалиklarини ривожлантириш негизида аҳолининг ўзини-ўзи иш билан банд қилиш даражаси оширилмоқда;
- аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни тугатиш ёки ихтисосини ўзгартириш ишлари олиб борилмоқда.

Бизнинг фикримизча, ишчи кучига талабни ошириш бўйича иқтисодий тадбирлардан энг асосийси иқтисодий тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишдир. Бунга энг аввало мулкчилик шакллари ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги иш жойларини яратиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини кўтариш, солиқларни оқилона белгилаш орқали эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Шуни алоҳида қайд этиш керакки, “янги бизнесни қўллаб-қувватлаш” деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. “Кичик бизнес субъектларига кредит бериш” деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позитсияга яхшилади”²⁸.

Бу тадбирлар қўшимча иш жойларини ташкил қилишда энг кам инвестицияни назарда тутати ва ишчи кучига талабни оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини маблағлар билан таъминлашнинг манбалари бўлиб маҳаллий бюджет, бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳамда хусусий

²⁸ Каримов И.А Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси -Т.: Ўзбекистон - 16.01.2016 й, www.press-service.uz

тадбиркорларнинг шахсий жамғармалари хизмат қилади. Бугунги кунда айниқса, минтақаларда аҳоли бандлиги, ишлаб чиқаришни ишчи кучи билан таъминлаш масалаларини ўрганишни ҳаётни ўзи тақозо этмоқда.

Республикада меҳнат биржаси ва бандлик хизматининг бошланғич ташкилотлари ташкил этилиб, улар ишсизлик ва бўш ўринлар миқдори ва тузилишининг ҳисоб-китоби, таҳлили ва келажаги, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш ва қайта ўқитиш, бандликка кўмаклашиш жамғармасини ташкил қилиш ва сарфлаш ишлари билан шуғулланадилар. Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик доирасида имтиёзли кредитларни ажратиш йўли билан янги иш жойларини яратишга муайян молиявий ёрдам кўрсатилди. Иқтисодиёт тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалигида таркибий ислохотлар амалга оширилиб ходимлар ва иш берувчилар ўртасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва бошқалар.

Юқоридагиларга асосланиб, республикада ва унинг минтақаларида аҳолининг бандлигини ошириш, ишчи кучидан самарали фойдаланишда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– маълумки, мамлакатимизда аҳолининг 62,5 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди. Шунга мувофиқ меҳнатга яроқли аҳолининг ҳам шунча қисми қишлоқ аҳолиси ҳисобига тўғри келади. Шунинг учун қишлоқ аҳолисининг фаолияти соҳалари ва турларини кенгайтириш талаб қилинади;

– айти пайтда бугун алоҳида муҳим аҳамият касб этадиган яна бир масала – ёшларни, бўлғуси кадрларни тайёрлаш сифати билан боғлиқ. Табиийки, бу борада педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими қандай ташкил этилгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу масала умумий ўрта ва ўрта махсус таълимни ислох қилиш тизимининг энг долзарб вазифаси бўлмоғи зарур. Лицей ва коллежларимизда таълим жараёнларига олий ўқув юртларининг тажрибали амалиётчи ва ўқитувчиларини янада кенг ва фаол жалб этиш лозим;

– ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозори фаолиятини йилдан йилга кенгайтириб бориб, улар томонидан ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларини мунтазам ўтказилишини таъминлаш зарур;

– ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий ва хорижий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш лозим;

– республика ва унинг минтақаларида янги иш жойларини ташкил этиш, аҳоли бандлик даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадли фойдаланиш бўйича чуқур иқтисодий ислохотларни амалга ошириш зарур;

– аҳолини оқилона бандлигини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган дастурларнинг мониторингини мунтазам олиб бориш лозим;

- қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш керак;
- ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лозим;
- хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали маҳаллий ва хорижий техника ва технология билан таъминлаш даркор;
- меҳнат бозори, ишсизлик ва аҳоли бандлиги жараёнларини тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш лозим.

Шу билан бирга мамлакат меҳнат бозори ривожланишида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улардан энг муҳими меҳнат ресурсларининг салмоқли қисмини ташкил этувчи ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш муаммосидир.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 январда бўлиб ўтган мажлисида умуман аҳолини, шу жумладан ёшларни иш билан таъминлаш, жумладан, шаҳар, вилоятлардаги ёшларни коллежни битирганларидан сўнг ўз соҳалари бўйича иш топишларини таъминлаш борасида мақсадли режалар тайёрлаш ва уни амалга ошириш масалаларини ўрганиб чиқишни, “корхона-коллеж” алоқаларини йўлга қўйишни қўллаб-қувватлашни таъкидладилар²⁹.

²⁹ Каримов И.А. “Мамлакатимизни 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси Т-“Ўзбекистон”- 21.01. 2011 й. www.press-service.uz

III БОБ. АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШДА ДАВЛАТЛАРНИНГ СИЁСАТИ ВА РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Аҳолини иш билан таъминлаш бўйича халқаро ҳужжатлар ва уларнинг аҳамияти

Аҳолини иш билан таъминлаш орқали халқ даромади даражасини ошириш, камбағалликни камайтириш каби муаммолар сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятининг асосий вазибаларидан бири ҳисобланмоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида эса тараққий этган ва ривожланаётган давлатлар ҳаёт даражаси ўртасидаги фарқнинг тобора ошиб бораётгани таъкидлаб келинади. Маълумки, ривожланган давлатлар ҳудудида бошқа давлатларга қараганда 6 баробар кам аҳоли истиқомат қилиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи даромад миқдори эса 7 баробар кўпроқни ташкил қилади. Чунки, ривожланган давлатлар аҳолисининг кўп қисми хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлиб, кам ривожланган давлатларда асосий ишчи кучи моддий ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигида меҳнат қилмоқда.

Умуман олганда, ҳозирги кунга келиб бандлик ва аҳоли даромадини тартибга солишга қаратилган бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларни амал қилиш ва мажбурий характер касб этишига қараб турли хил гуруҳларга бўлиш мумкин.

Амал қилиш доирасига қараб: а) умумий, барча давлатлар бажариши мажбурий бўлган, б) минтақавий, аниқ бир ҳудудларда амал қилувчи, д) икки томонлама, шартномани имзолаган давлатлар ўртасидагина мажбурий бўлган ҳужжатларга бўлинади.

Мажбурий характер касб этишига қараб: а) шартномани имзолаш билан мажбурийлик касб этадиган, б) уни ратификация қилиш билан мажбурий бўладиган д) тавсиявий тусга эга бўлган халқаро ҳужжатлар тоифаси мавжуд³⁰.

Аҳоли бандлиги ва уни ишга жойлаштириш муносабатларини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ва халқаро-иқтисодий амалий чораларнинг пайдо бўлиши XX асрда 1919 йилда Миллатлар Лигасининг ихтисослаштирилган органи Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг ташкил этилиши билан бевосита боғлиқ. Ушбу ташкилотнинг норматив ҳуқуқий ижодкорлиги натижасида аҳолини ишга жойлаштириш, бандлик ва меҳнат шароитларини яхшилашга йўналтирилган турли хил методлар ишлаб чиқилиб амалиётга тадбиқ қилинди. Фақатгина 20 йил ичида яъни биринчи жаҳон уруши нихоясидан иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар

³⁰ С. А. Аронова. Международное публичное и частное право. № 6. Киев – 2005.

бўлган муддат ичида меҳнат стандартларини ўрнатишга боғлиқ бўлган 133 та конвенсия ва тавсиялар қабул қилинди.

Халқаро меҳнат ташкилоти тузилишининг дастлабки пайтларидаёқ, яъни 1919 йилнинг 29 октябридан 1920 йилнинг 27 январигача Вашингтонда давом этган Халқаро меҳнат конференциясида аҳоли бандлиги борасидаги ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ўртага ташланган эди. Бунинг самараси ўлароқ ушбу конференцияда 6 та конвенсия ишлаб чиқилиб, улар орасида “Ишсизлик тўғрисида”ги № 2-сонли конвенсияни³¹ алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур халқаро ҳужжатдан меҳнат биржаларини ташкил этиш, иш ўринларини ҳисобга олиш, бўш ишчи кучларини рўйхатдан ўтказиш ва ишсизларга моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқа муҳим масалалар ўрин олди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 1920 йил 15 июндан 10 июлгача Генуяда давом этган 2-конференциясида “Кемалар ҳалокати натижасида юзага келган ишсизликка қарши кураш тўғрисида”ги № 8-сонли ва “Денгизчилар меҳнат шароитлари тўғрисида”ги № 9-сонли конвенсиялар қабул қилинди. Ундан ташқари, мазкур халқаро ҳужжатларга қўшимча сифатида “Денгизчилар ишсизлигини суғурта қилиш”га оид Тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 1921 йилда Женевада бўлиб ўтган 3-конференциясида эса “Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолини ишсизликдан огоҳлантириш тўғрисида”ги Тавсиялар қабул қилинди.

ХМТ фаолиятининг илк йилларидан қисқача шоҳидлик берувчи ушбу фактларнинг ўзиёқ мазкур ташкилотнинг биринчи жаҳон урушидан сўнг юз берган иқтисодий тушкунликни тугатиш мқсадида жаҳон ҳамжамиятини ишсизлик муаммоларини ҳал қилиш йўлларини излашга ундаганидан далолат беради. Чунки, уруш якунига етгач ҳарбий саноат ҳажми қисқариши, иш ўринлари ҳам шунга мос равишда камайтирилиши ва демобилизация натижасида армия хизматидан бўшатишган ишчилар ҳар доим ҳам янги иш жойларини топа олмаганлар³².

Халқаро меҳнат ташкилотининг 1935 йил 20-25 июнда бўлиб ўтган 19-сонли конференциясида “Ёшлар ўртасида ишсизликка барҳам бериш тўғрисида”ги № 45-сонли Тавсиялар, 1939 йил 8-28 июнда бўлиб ўтган 25-сонли мажлисида эса “Ёлланиш, ишга жойлаштириш ва меҳнаткаш-мигрантлар иш шароитлари тўғрисида” ги № 66-сонли конвенсия³³ ва худди шу номдаги № 61-сонли Тавсиялар қабул қилинди.

Бундан ташқари 1934 йилда “Ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишсизга айланган шахсларга ижтимоий таъминот кўрсатиш тўғрисида”ги № 44-сонли конвенсия ва “Ишсизлик

³¹ http://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO::P12100_INSTRUMENT_ID:312147

³² Н. Л. Лютов., П. Е. Морозов. Международное трудовое право: учебное пособие / Москва: Проспект. - 216 с. - 2011.

³³ <http://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=1000:12000:0::NO::>

ҳолатини суғурта қилиш ва ишсизларга турли кўринишлардаги ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги № 44-сонли Тавсиялар қабул қилинди.

Иккинчи жаҳон уруши ўз нихоясига етгач меҳнат соҳасида бандлик муаамосига ёндашув тубдан ўзгарди. 1944 йилги ХМТ мақсад ва вазифаларига бағишланган Филадельфия декларациясида ташкилотнинг асосий мақсади сифатида аҳолини тўла бандлигига эришиш деб белгилаб олинди. 1945 йилга келиб эса аҳолини бутунлай бандлигига эришиш вазифаси ХМТ Уставига ҳам киритилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ҳам 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт ҳам Резолюция тарзида қабул қилинган ва мажбурловчи кучга эга бўлмасдан, дастурий аҳамиятга эга сиёсий ҳужжат саналади. Бироқ, улар улкан ахлоқий кучга ва халқаро обрў-эътиборга молик ҳужжатлар бўлиб, инсон ҳуқуқлари ҳимоясида уларнинг аҳамияти жуда ҳам юксакдир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида “ҳар бир инсон меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқларига эга эканлиги” эълон қилинди³⁴. Декларация ўзида инсоннинг узвий ва ажралмас ҳуқуқларидан бири бўлган меҳнат қилиш соҳасидаги асосий ҳуқуқлари туркумини ифодалайди. Бу ҳуқуқлар қаторига қуйидагилар киритилиши мумкин :

- а) Меҳнат қилиш;
- б) Ишни ва касбни эркин танлаш;
- д) Ишсизликдан ҳимояланиш;
- е) Адолатли ва қулай меҳнат шароитлари;
- ф) Тенг меҳнат учун тенг иш ҳақи олиш;
- г) Камситишларсиз меҳнатнинг миқдори ва сифатига яраша ҳақ олиш ва оиласини тебратишга этарли маблағга эга бўлиш;
- х) Касаба уюшмаларига бирлашиш;
- и) Дам олиш, шу жумладан иш вақти чекланганлигига эришиш, таътил олиш.

Ушбу воқеалардан сўнг ХМТ яна бандлик соҳасига эътиборини қарата бошлади. Натижада эса, 1948 йилда “Бандликка кўмаклашиш хизматини ташкил этиш тўғрисида”ги № 88-сонли конвенсия ишлаб чиқилиб, давлатларга ҳукумат бошчилигида бандликка ёрдам кўрсатиш бўйича миллий институтларни шакллантириш мажбурияти қатъи белгилаб берилди. Халқаро меҳнат ташкилотининг 1964 йилда бўлиб ўтган 48-сессиясида “Бандлик соҳасидаги

³⁴ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, 10 декабр 1948 йил, 23-модда

сиёсат тўғрисида”ги № 122-сонли конвенсия қабул қилиниб, унинг 1-моддасида “Конвенсиянинг мақсади сифатида ишсизликка барҳам бериш ва тўлиқ бўлмаган бандликни тугатган ҳолда аъзо-давлатларнинг тўлиқ, самарали ва эркин танлов асосидаги бандликни таъминлаш соҳасидаги фаол сиёсат олиб боришга даъват этади”. Бу сиёсат қуйидаги талабларни таъминлашга қаратилган эди: а) меҳнат қилишни хоҳлаган ва иш излаб юрган барча шахслар учун; б) бундай турдаги меҳнат мумкин қадар самарадор бўлиши; д) ўз жинси, ирқи, танасининг ранги, дини, сиёсий қарашлари, хорижий фуқаролиги ва ижтимоий ҳолатидан қатъий назар эркин тарзда меҳнат қилиши ва энг қулай имкониятларни яратиб бериши ёки ўз имкониятларини рўёбга чиқариш учун касбий тайёргарликни таъминлаб беришда акс этди.

Конвенсиянинг 2-моддасига кўра “Ҳар бир аъзо-давлат 1-модда билан ўрнатилган вазифаларни бажариш учун сиёсий чораларнинг иқтисодий ва ижтимоий доираларини аниқлаши ва ҳар йили шунга даҳлдор бўлган дастурлар амалга оширилишини назорат қилиб бориши лозимлиги қайд этилди”.

1984 йилга келиб ХМТ бандлик соҳасидаги сиёсат борасида яна бир қанча Тавсиялар қабул қилишга эришди. Бироқ, ишсизлар ва тўлиқ банд бўлмаган аҳоли сонини, турли давлатларнинг иқтисодий ривожланиши даражаси ҳар хил бўлганлиги учун ёшларнинг иш излаб топиш жараёнини ҳисобга олган ҳолда Халқаро меҳнат ташкилотининг 75-сессиясида “Бандликка кўмаклашиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги № 168-сонли навбатдаги конвенсия³⁵ ишлаб чиқилди. Ушбу халқаро ҳужжатнинг 2-моддасига биноан “ХМТ нинг ҳар бир аъзо-давлати ўз ҳуқуқий тизимида ишсизликдан ҳимоялаш ва бандлик соҳасида сиёсат олиб бориш мақсадида тегишли чора-тадбирлар қабул қилиши лозим”лиги белгиланди. Бунинг учун давлат ишсизликдан ҳимоя қилишнинг ўз миллий тизими орқали иш билан банд бўлмаган аҳолини таъминлашга ҳаракат қилиши, тўлиқ, самарали ва эркин танлов асосидаги иш билан банд қилишга эришиши ва меҳнаткашлар учун тадбиркорлар томонидан ўзаро манфаатли иш таклиф қилишни қўллаб-қувватлаши лозим. Ушбу конвенсияга кўра бутунлай ишсизлик тушунчаси сифатида – ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра даромад манбаидан айрилган, ишлашга лаёқатли ва ҳақиқатдан ҳам иш қидириб юрган шахслар тоифаси талқин қилиниши лозимлиги белгиланди.

Конвенсияда қандай турдаги иш мос келувчи иш сифатида талқин қилиниши сифатида эса ишсиз шахснинг ёши, унинг олдинги касби билан боғлиқ меҳнат стажи, меҳнат бозоридаги ҳолати, иш тажрибаси, ишсизлик муддати, оилавий ва шахсий аҳволи ҳисобга олинishi келишиб олинди. Бундан ташқари конвенсия ҳимояга муҳтож бўлган ишсиз шахсга давлатнинг юридик, маъмурий ва молиявий кафолатлар тақдим этишини белгилаб қўйилди.

³⁵ <http://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=1000:12000:0::NO::>

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар орасида яна бир муҳим ҳужжат бу “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт (1966 й.) ҳисобланади. Мазкур Пактга биноан “давлатлар ҳар бир инсоннинг ишлаб маблағ топиш имкониятини қамраб оладиган меҳнат қилиш ҳуқуқини тан олади. Меҳнат турини ҳар бир одам эркин ҳолда танлайди ёки эркин ҳолда рози бўлади”³⁶.

90 йилларга келиб глобализация жараёнлари натижасида ишсизлик даражасининг кескин ошиб кетиши хусусий бандлик хизматлари билаб боғлиқ бўлган “меҳнатга бир марталик ҳақ тўлаш” доктринасини амалга жорий қилиш заруриятига олиб келди. Мазкур шароитда 1997 йилда ХМТ томонидан “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги № 181-сонли конвенсия³⁷ ва худди шу номдаги № 188-сонли Тавсиялар ишлаб чиқилди. Конвенсияга биноан “хусусий бандлик агентлиги” атамаси аъзо-давлатлар ҳудудидаги меҳнат бозорида иш таклиф қилиш лаёқатига эга бўлган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахсга нисбатан ишлатилиши белгиланди.

Бандликни халқаро миқёсда тартибга солувчи ишларга қисқача назар солган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, жаҳон ҳамжамияти шахсларнинг тўла, самарадор ва эркин тарзда меҳнат қилишга эришишни мақсад қилган чораларни қабул қилган бўлсаларда, ҳеч бир давлатда бу каби дастурлар бутунлай бандликни таъминлаб бера олмади.

3.2. Хорижий мамлакатлар меҳнат қонунчилигида аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатларнинг қиёсий таҳлили

Ривожланган ва бозор муносабатлари ўз тақомилига етган кўпчилик ғарб мамлакатларида бозор муносабатларининг табиий оқибати саналувчи стихияли кучлар таъсирини, хусусан, меҳнат бозоридаги ёлланма меҳнатдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган салбий омилларнинг жамият тараққиёти ва барқарорлигига хавф туғдирувчи таъсирини камайтиришга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўрилган. Қонунчилик тизими, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш органлари, ишсиз шахсларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга қаратилган воситалар, ёлланма меҳнат фаолияти билан машғул бўлган фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш ва муҳофаза этиш кафолатларини ўз ичига қамраб олувчи зарур инфратузилма барпо этилган ва унинг самарали ишлаши таъминланган.

Ғарб мамлакатларида ёлланма меҳнат билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар тартибга солинар экан, авторитар ва автоном усуллардан кенг фойдаланилади ва ёлланма ходим ишлаб чиқариш манфаатларидан келиб чиққани ҳолда ўз хизмат вазифаларини

³⁶ “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт, 1966 йил 19 декабрь, 6-модда.

³⁷ http://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312326:NO

бажариши чоғида иш берувчининг императив хокимияти остида бўлиши билан бирга, ходим ва иш берувчининг ҳамкорлиги, ходимнинг қизиқиш ва манфаатларини ҳисобга олиниши, унинг ҳуқуқларини ҳимоя этилишига ҳам эътибор қаратади.

Ҳозирги пайтда ғарб мамлакатларида меҳнат ҳуқуқининг ходимларни муҳофаза қилиш функциясига қўшимча равишда меҳнат жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш функцияси ҳам қайд этилмоқда. Бу ҳолат инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият эканлиги ҳақидаги БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да эълон қилинган принципга тўла мос келади.

Европадаги ривожланган мамлакатлар меҳнат қонунчилигида меҳнат ҳуқуқий нормаларни амалга оширишнинг икки модели кузатилади, улар: европа (континентал) ва англо-саксон ҳуқуқларига хос механизмлардир.

Ғарб мамлакатларида меҳнат ҳуқуқининг манбаи бўлиб давлат қонунлари ва қонун ҳужжатлари, айримларида эса жамоа шартномалари ва келишувлари хизмат қилади. Уларнинг айримларида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи ва уни амалга оширилиш йўллари конституцияларида белгилаб қўйилганлиги диққатга сазовордир.

Айрим ғарб мамлакатлари меҳнат қонунчилиги манбалари ва уларда иш билан таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз:

Америка Қўшма Штатларида бандлик ва ишга жойлаштириш ҳуқуқи манбаи бўлиб, Конституция, федерал қонунлар, штатларнинг қонунлари, жамоа шартномалари, суд органларнинг қарорлари, ички меҳнат тартиби қоидалари, Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган Конвенсиялари саналади.

Меҳнат соҳасидаги федерал қонунлар асосан иш берувчилар(тадбиркорлар) билан ходимлар вакиллик органлари(касаба уюшмалари) ўртасидаги муносабатларни, шунингдек, давлат хизматчиларининг айрим тоифалари томонидан амалга ошириладиган меҳнатига оид масалаларни тартибга солади.

Меҳнат соҳасидаги энг муҳим федерал қонунлар қаторига 1947 йилги меҳнат ва менежмент билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи (Тафт-хартли қонуни), Меҳнат муносабатлари юзасидан ҳисобот ва маълумотлар беришга оид 1959 йилги (Лендрам-грифф қонуни)³⁸, Касаба уюшмаларини таъқиб этувчи суд буйруқлари чиқарилишига оид (Норрис-Ла Гардия қонуни)³⁹, “Адолатли меҳнат шароити ҳақида”ги 1938 йили (Блек-Кеннор қонуни), “Тенг меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг иш ҳақи тўлаш тўғрисида”ги 1963 йилги, “Меҳнат муносабатларида камситишни таъқиқлаш ҳақида”ги 1967 йилги, “Ишлаб чиқаришда

³⁸ <https://www.nlr.gov/who-we-are/our-history/1959-landrum-griffin-act>

³⁹ <https://www.shrm.org/legalissues/federalresources/federalstatutesregulationsandguidanc/pages/norrislaguardiaactof1932.aspx>

меҳнат хавфсизлиги ва соғлиқни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 1979 йилги (Уилямс-Штайгир қонуни), “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги 1990 йилги ва бошқа қонунлар қайд этилиши мумкин.

АҚШ ратификация қилган ХМТ Конвенсиялари ҳам меҳнат ҳуқуқининг манбаи саналади ва бевосита қўлланилиши мумкин. Ҳозирга қадар ХМТнинг 12 та Конвенсияси ратификация қилинган.

Буюк Британияда бандликка кўмаклашувчи қонунлар, қонуности ҳужжатлари, судларнинг қарорлари, жамоа шартномалари, иш берувчилар (тадбиркорлар) нинг актлари, урф-одат нормалари, ХМТнинг ратификация қилинган Конвенсиялари меҳнат ҳуқуқининг манбалари бўлиб ҳисобланади.

Буюк Британиянинг меҳнат соҳасидаги асосий қонун актлари жумласига “1975 йилиги “Бандликни ҳимоялаш тўғрисида”ги⁴⁰, 1970 йилги “Эркак ва аёлларга тенг миқдорда иш ҳақи тўлаш тўғрисида”ги, 1976 йилги” Ирқий муносабатлар тўғрисида”ги, 1996 йилги “Бандлик соҳасидаги ҳуқуқлар тўғрисида”ги ва бошқа қонунларни киритиш мумкин.

Буюк Британияда турли давлат органлари томонидан қабул қилинган кўп сонли қонун ости ҳужжатлари амал қилади ва уларда ўсмирлар, аёллар, ногиронлар меҳнати тартибга солинади, айрим тармоқ ва регионларга оид норма ва қоидалар назарда тутилади. Меҳнат ҳуқуқи манбалари орасида турли давлат органлари томонидан чиқариладиган “амалиёт кодекслари” муҳим ўрин тутди. Улар суд жавобгарлигини келтириб чиқармасада, қонунларни талқин этилишида муҳим рол ўйнайди.

Урф-одат қоидалари меҳнат ҳуқуқида унчалик катта ўрин тутмасада, бироқ, меҳнат муносабатларини тартибга солинишида уларнинг ҳам ўзига ҳос ўрни бор.

Халқаро меҳнат ташкилоти конвенсиялари меҳнат ҳуқуқининг манбаси саналади ва бугунги кунда ХМТнинг 80 та Конвенсияси ратификация қилинган.

Франсия Республикасида аҳолини ишга жойлаштиришда меҳнат тўғрисидаги қонунлар (статус ҳуқуқи), қонуности ҳужжатлари, декрет-қонунлар, ордонанслар, ҳукумат ва меҳнат вазирлиги қарорлари, жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари, суд амалиёти, одат нормалари, ХМТнинг ратификация қилинган Конвенсиялари алоҳида ўрин тутди.

Франсия меҳнат ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб Меҳнат кодекси саналади. Унда меҳнат соҳасидаги энг муҳим актлар тизимга солинган. Меҳнат кодексини тайёрлаш ва қабул қилиш узоқ вақтга чўзилиб кетди ва 17 йил (1910-1927 йиллар) давом этди. Уни тўла маънодаги кодекс дейиш ҳам унчалик тўғри эмас, чунки у анъанавий кўринишдаги меҳнат қонунлари тизимидан иборат бўлмасдан, бу соҳада турли даврларда қабул қилинган ва тарқок

⁴⁰ <http://www.legislation.gov.uk/ukpga/1975/71/contents>

холда бўлган алоҳида қонунларни қайта ишланмаган холда тўпланишидан (инкорпорация, консолидация) иборатдир.

Меҳнат кодексининг ҳар бир қисми тўққиз китобни ўз ичига олади. Уларда ишга жойлаштириш ва бандлик, касаба уюшмалари фаолиятига оид қоидалар, меҳнат низолари ва уларни ҳал этилиши, қонунларни қўллаш устидан назорат, айрим тоифага мансуб ходимларга тааллуқли нормалар ва бошқа муҳим қоидалар белгилаб қўйилган.

Франсияда меҳнат миуносабатларига тааллуқли қоидалар махсус кодексларда ҳам назарда тутилган. Масалан, Қишлоқ хўжалик кодекси, Савдо флоти денгизчилари фаолиятини тартибга солувчи кодекс, Чет ҳудудлардаги меҳнат муносабатларини тартибга солувчи кодекс ва бошқалар.

Жамоа шартномалари меҳнат ҳуқуқининг муҳим манбаларидан бўлиб, тармоқ миқёсида ва крохоналарда тузилади. Улар умуммиллий, тармоқ, минтақавий ва корхоналар кўринишида тузилиши мумкин.

Халқаро меҳнат ташкилотнинг ратификация қилинган Конвенсиялари меҳнат ҳуқуқининг муҳим манбаларидан саналади. Ҳозирги пайда ХМТ нинг 115 та Конвенсияси ратификация қилинган.

Германия Федератив Республикаси аҳоли бандлиги манбалари ҳақида сўз кетганда Германия Конституцияси ва вилоят (Конституциялари), кодификацияланган ҳужжатлар, қонунлар, ҳукуматнинг ва бошқа давлат органларнинг қарорлари, жамоа шартномалари, завод битимлари, ички меҳнат арбитри қоидалари, суд амалиёти, одат нормалари, ратификация қилинган халқаро Конвенсиялар кўрсатиб ўтилиши лозим. Федерал конституцияда иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлар, шу жумладан, меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳақида кўрсатилмаган. Штатларнинг (Земел) Конституцияларида меҳнат қилиш ҳуқуқи ва уни амалга оширилиши назарда тутилган⁴¹.

Меҳнат ҳуқуқининг манбалари сифатидаги кодификацияланган актлар қаторига Германия Фуқаролик тузуклари (Уложения), Меҳнати кодекси, Саноат устави, Прусс умумий қончилик кодекси киритилиши мумкин.

Меҳнат соҳасида амалда бўлган муҳим қонунлардан бўлиб: 1949 йилги “Жамоа шартномалари тўғрисида”ги, 1972 йилги “Ходимларнинг ён бериши ҳақида”ги, 1969 йилги “Бандликка кўмаклашиш тўғрисида”ги, 1963 йилги “Энг кам меҳнат таътили тўғрисида”ги, 1951 йилги “Касаначилик тўғрисида”ги, 1976 йилги “Ёшлар меҳнатини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, 1951 йилги “Ишдан бўшатилаётган ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, 1986 йилги “Ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, 1994 йилги

⁴¹ Экономика и социология труда. Учебник. / Под. ред. А.Я.Кибанова. – М.: ИНФРА-М, 2010. 231 б

“Иш вақти давомийлиги ҳақида”ги, 1995 йилиги “Қора меҳнат бозорига қарши кураш тўғрисида”ги ва бошқалар ҳисобланади.

Жамоа шартномалари меҳнат ҳуқуқининг манбаи сифатида муҳим ўрин тутди. Корхоналарнинг ўзида қабул қилинадиган ва амал қиладиган ва федерал миқёсдаги ва меҳнат вазирынинг қарори билан тасдиқланадиган, ҳамма учун мажбурий бўлган жамоа шартномалари мавжуд бўлади.

Германияда корхона маъмурияти билан ишлаб чиқариш Кенгаши ўртасида тузиладиган завод битимлари кенг тарқалган бўлиб, уларда ишга қабул қилиш ва бўшатиш тартиби, техника хавфсизлиги қоидалари, иш ва дам олиш вақти режими назарда тутилади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган Конвенсиялари манбалар қаторига кирилади. Бугунги кунда ХМТ нинг 75 та Конвенсияси ратификация қилинган.

Кун чиқар мамлакат саналувчи **Япония**да меҳнат ҳуқуқи манбаи бўлиб Конституция, қонунлар, ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари ва ХМТнинг ратификация қилинган Конвенсиялари саналади. Япония меҳнат қонунчилиги иккинчи жаҳон урушидан кейин деярли янгитдан шаклланди ва у Америкача хусусиятга эга бўлиб, бу ҳол Америка оккупацион ҳокимияти таъсири билан юз берганлигини кўрсатади. Унда урушдан аввалгига нисбатан кўпроқ қафолатлар назарда тутилган.

Японияда амалда бўлган меҳнатга оид қонунлар жумласига 1949 йилги “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги⁴², 1946 йилги “Меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир”, 1948 йилги “Давлат хизматчилари тўғрисида”ги, 1947 йилги “Меҳнат шароитлари тўғрисида”ги, 1966 йилги “Иш кучидан фойдаланиш тўғрисида”ги⁴³, ва бошқалар киритилиши мумкин.

Хитой Халқ Республикаси меҳнат қонунчилигининг бозор муносабатлари шаклланиб ва ривожланиб бориши шароитида янги талаблар асосида юзага келаётгани ва ўзига хос хусусиятларга эга экани ривожланаётган мамлакатлар меҳнат қонунчилиги тараққиёт тенденцияларини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Хитой Халқ Республикасида меҳнат қонунчилигини ривожланиши 90 –йиллар давомида “Социалистик модернизация” ва “социалистик бозор муносабатларини қарор топдириш” шиори остида кечди. Ушбу мамлакат ўзининг аввалги асосий хусусиятларини сақлаб қолаётганлиги ва давлат мулки ҳуқумрон мавқега эгаллиги, партия раҳнамолиги, иш ташлаш ҳуқуқларининг таъқиқланганлиги кузатилади. Айни пайтда меҳнат қонунчилигига киритилаётган ўзгаришлар, ХХР Меҳнат тўғрисидаги қонунларни 1994 йилда қабул қилингани ва уни 1995 йил 1 январдан кучга киритилгани, унда БМТнинг ва Халқаро меҳнат

⁴² http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail_main?re=&vm=2&id=17

⁴³ <http://www.jil.go.jp/english/laws/index.html>

ташкilotининг Конвенсияларидаги кўпгина умуминсоний ахамиятга эга нормаларни киритилганлиги бу мамлакат замонавий талабларга мослашаётганилигини, инсон ҳуқуқларини таъминлашга эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади.

Ривожланган мамлакатлардаги меҳнат қонунчилигини дифференциациялаш мураккаб бўлиб, ҳозирги пайтда уни миллий ҳуқуқ тизимлараро, алоҳида гуруҳларга мансублигига кўра, федератив ва унитар давлатлар меҳнат ҳуқуқи ўртасидаги фарқлар нуқтаи назаридан ҳамда давлат ички қонунлари нуқтаи назаридан табақаларга ажратиш мумкин.

Ҳозирги пайтда ғарб мамлакатларида ишга жойлаштиришга кўмаклашиш жараёни хусусийлаштириб борилмоқда ва коммерсиализациялашув кўзга ташланмоқда.

Баъзи мамлакатларда (масалан, **АҚШда**) ишга жойлаштиришга кўмаклашувчи хусусий агентликлар давлат меҳнат биржалари фаолиятини жиддий чеклаб қўйди. Тажрибанинг кўрсатишича иш берувчилар иш кучига эҳтиёж туғилганида кўпинча давлат меҳнат биржасига эмас, балки хусусий агентликларга мурожаат қиладилар ва юқори малакали ходимларга бўлган ўз талабларини қондирадилар.

Кўпгина мамлакатларда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш фаолияти билан шуғулланадиган агентликлар фаолияти лицензияланади ва шу йўл билан улар фаолияти давлат томонидан назорат қилинади.

Ғарб мамлакатларидаги ишга жойлашишга кўмаклашувчи агентлик ва компаниялар уч тоифага бўлинади ва улар: 1) меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасида воситачилик қилувчилар; 2) ишсиз шахслар билан бевосита меҳнат шартномаси тузадиган ва иш кучини етказиб берадиган агентликлар; 3) кадрлар танлаш соҳасида турли хизматлар кўрсатиш, маслаҳатлар бериш билан шуғулланувчи агентликлардан иборат. Айрим маълумотларга кўра давлат меҳнат биржалари ва хусусий агентликлар 30-40 фоиз ҳолларда ишга жойлашиш ва иш топишда кўмаклашишга муваффақ бўлмоқдалар.

Хорижий мамлакатлардаги ишга ёллаш агентликлари хўжалик муаммоларини ҳал этилиши, меҳнатдан самарали фойдаланиш, ишсизликни камайтириш нуқтаи назаридан ижобий рол ўйнамоқдалар ва фойда келтирмоқда. Аммо улар фаолиятининг етарли ҳуқуқий тартибга солинмагани ўзига хос салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Ишга ёллаш билан боғлиқ кўплаб норма ва қоидалар мавжуд бўлиб, улар турли қонун ҳужжатларида назарда тутилган⁴⁴.

Ишга ёллаш чоғида ошқора ёки яширин шаклларда камситишга йўл қўйилмаслиги, иш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган чекловлар (тил билиши, миллати, ирқи, жинси ва бошқа белгиларига кўра) таъқиқланганлиги назарда тутилмоғи лозим. Масалан, **Германия**

⁴⁴ Одегов Ю.Г. и др. Экономика труда: Учебник. В 2 т. Т. 2. – М.: «Алфа-Пресс», 2007. 119-б

Фуқаролик кодексига кўра фақат аёллар ёки эркеклар учун бўш иш жойлари борлиги эълон қилиниши таъқиқланади.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Меҳнат ҳуқуқига оид илмий-назарий ва юридик адабиётларни, бу борадаги амалиётни, статистик маълумотларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш натижасида аҳолини ишга жойлаштириш бўйича қуйидаги таклиф, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилди:

1) Ҳозирги пайтда бозор муносабатлари талабига мос равишда меҳнат сифати ўсаётганлиги кўзга ташлаланмоқда. Ташаббускор, лаёқатли меҳнаткашлар гуруҳлари, ўз навбатида, меҳнат шароитига ўз талабларини қўймоқдалар. Албатта, бу жараён кўнгилдагидек кечаяпти, деб бўлмайди. Шу боисдан ҳам аҳолини иш билан банд қилиш муаммосини кўп йиллардан буён бозор иқтисоди шароитида яшаётган айрим давлатлар тажрибасини кўчириб олган ҳолда амалиётга тадбиқ этиб эмас, ўзимиздаги мавжуд воқеликни чуқур таҳлил қилган ва етарли сабоқлар чиқарган ҳолда ҳал қилиш лозим.

2) Мамлакатимизнинг аҳоли меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш мақсадида уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш бўйича куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш бўйича меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;
- ёш тадбиркорларга молия-кредит ва хом-ашё ресурсларини олишларида ёрдам бериш тизимини шакллантириш;
- ёш тадбиркорлар учун солиқ имтиёзларини кенгайтириш;
- уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш;
- ёш тадбиркорларни бозор конъюктураси, хом-ашё ва молиявий ресурслар бозори бўйича ахборот билан таъминловчи инфратузилмани шакллантириш;
- хусусий тадбиркорларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш ва бошқалар.

3) Аҳоли иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатларда давлатнинг амалга оширадиган сиёсатларидан бири – бу ижтимоий ҳимоя сиёсатидир. Унга кўра давлат меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шасхларни ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутати. Яъни, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдори белгилаш ва уларга ишга жойлашишлари учун маълум миқдорда имтиёзлар бериш лозим.

4) Аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш жараёнида ишсиз фуқароларда тадбиркорлик ташаббусини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқилиши ва изчиллик билан амалиётга жорий этилиши жуда муҳимдир. Ҳозир маҳаллий меҳнат органлари, иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар асосан меҳнат ярмараклари орқали аҳолини мавжуд иш ўрниларидан хабардор қилиш билан чегараланмоқдалар. Аҳолини, жумладан ёшларни касбга йўналтиришда уларга меҳнат бозоридаги иш кучига бўлган талабнинг миқдори ҳақидаги маълумотлар ва бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида мунтазам равишда тушунтиришлар бериб бориш талаб этилади.

5) Тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқаришни ҳажмини кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида банклардан сўралган кредитлар бўйича аризаларини имкон

даражасида ўз вақтида тўлиқ қондириш лозим. Бунинг натижасида кўшимча иш ўринларини ташкил этиш жараёнини жадаллаштирилишига эришилади.

6) Банд бўлмаган фуқароларни доимий иш билан таъминлаш мақсадида, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига асосан, яни иш берувчиларнинг аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишдаги иштироки тўғрисида корхона ва ташкилотларда кенг миқёсда семинарлар ўтказиб, банд бўлмаган фуқароларни туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига бўлган ишончларини янада ошириш ва ҳар бир мурожаат этган ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш, мавжуд бўш иш ўринларига мутахассисликлари тўғри келмаган тақдирда уларни қайта касбга йўналтириш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим.

7) Халқаро меҳнат ташкилотининг “Бандликка кўмаклашиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги № 168-сонли конвенсияни ратификация қилиш лозим. Чунки, ушбу конвенсияни ратификация қилиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш жараёнини янада такомиллаштиришга эришиш мумкин.

8) Бундан ташқари маҳаллаларда фаолият олиб бораётган меҳнат ҳуқуқи инспекторларининг аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш бўйича фаолият жараёнини янада такомиллаштириш лозим. Чунки, ҳозирги кунда битта туманда 3 нафар меҳнат ҳуқуқи инспекторлари фаолият олиб бормоқда. Ҳудудда яшовчи аҳоли сонининг кўплиги (биргина, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида 300000 га яқин аҳоли яшамоқда) сабабли меҳнат ҳуқуқи инспекторларининг ўзларига тегишли ҳудуддаги аҳолини иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш бўйича фаолияти суст бормоқда. Шу сабабдан, маҳалла меҳнат ҳуқуқи инспекторлари сонини ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т-1. Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. И.А.Каримов. Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. Т, 1998.
5. И.А.Каримов. Юксак маънавият–енгилмас куч.– Т.: “Маънавият”, 2008.
6. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
7. И.А.Каримов. Мамлакатимизда деморақтик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси- Т.: Ўзбекистон, 2010.
8. И.А.Каримов. Деморақтик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.–Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.
9. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
10. Каримов И.А Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси -Т.: Ўзбекистон - 16.01.2016 й, www.press-service.uz
11. Каримов И.А “Мамлакатимизни 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси Т-“Ўзбекистон”- 21.01. 2011 й. www.press-service.uz

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1.1. Миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014-йил, 40 бет
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: (2014-йил февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, - Т.: “Адолат”, 2014 й.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрир). // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 5-сон, 124-модда; 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 225-модда; 2009 й., 52-сон, 553-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 34-35 (482-483)-сон 2016 йил.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 4 апрелдаги Фармони. // Халқ сўзи, 2011 йил 5 апрел.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ҳолатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, ПФ–4782-сон. 22.02. 2016 йил.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, ПҚ–2498-сон 2016 йил 24 февраль.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 10 (666)-сон. 10.03.2015.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш” Дастури. 2013 йил 12 декабрдаги СҚ-401–II. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 й., 12-сон, 369-модда.

1.2. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”, 1948-йил 10-декабрь.
2. “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”, 1966-йил 16-декабрь.
3. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт”, 1996-йил 16-декабрь
4. “Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида”ги № 122-сонли конвенсия, 1964

йил 17 июн.

III. Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Й.Турсунов, М.А.Усманова: “Меҳнат ҳуқуқи”, Дарслик –Т.: ТДЮИ кичик нашриёти, Тошкент-2006.
2. Хусанов О.Т. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи”. Дарслик. - Тошкент: ТДЮИ, 2012.176-бет.
3. Ж.Т. Холмўминов, А.Х. Дусманов, Т.Н. Тиллаев ва бошқ. Меҳнат ҳуқуқи: Маърузалар курси –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 254 б.
4. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. Т.: “Меҳнат” – 2009
5. Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т., Бакиева И.А. “Меҳнат иқтисодиёти” – Т.: ТДИУ, 2011.
6. Ҳайитов А.Б., Адилова Г.Г., Арабов Н.У. “Хорижда меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш” - Т.: ТДИУ, 2011.
7. Рынок труда: Учебное пособие. /Под общ.ред. Абдурахмонова К.Х., Одегова Ю.Г. – Т.: ТФРЕА, 2009.
8. Бакиева И.А. “Инсон ресурслари иқтисодиёти” фани (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2011.
9. Абдураманов Х.Х. “Меҳнат ресурслари сафарбарлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2011.
10. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Т.: Ўқитувчи, 2004.
11. Абдурахмонов Қ.Х., Мамарасулов Ф.У. Аҳоли иш билан бандлиги инфраструктураси. Т.: 2000.
12. С. А. Аронова. Международное публичное и частное право. № 6. Киев – 2005.
13. Н. Л. Лютов., П. Е. Морозов. Международное трудовое право: учебное пособие / Москва: Проспект. - 216 с. - 2011.
14. Экономика и социология труда. Учебник. / Под. ред. А.Я.Кибанова. – М.: ИНФРА-М, 2010.
15. Одегов Ю.Г. и др. Экономика труда: Учебник. В 2 т. Т. 2. – М.: «Алфа-Пресс», 2007.
16. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир: Хусанов Азад Тиллабоевич, юридик фанлари доктори, профессор -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2012. 649 бет.
17. Муаллифлар жамоаси: “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар”, –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. - 985 бет.

18. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунига шарҳлар. - Т.: "Шарқ", 2004.

IV. Даврий нашр ва журналлар

1. "Халқ сўзи" газетаси 2008-2011 йил сонлари.
2. "Бозор, пул, кредит" журнали 2008-2011 йил сонлари.

V. Интернет сайтлари

<http://www.huquqburch.uz>

<http://www.lex.uz>

<http://www.stat.uz>

<http://www.wikipedia.org>

<http://www.ilo.org>

<http://www.press-service.uz>